

“LOCHIN STROY MONTAJ” ma’suliyati cheklangan jamiyati va Zomin tuman xokimligi qoshidagi obodonlashtirish boshqarmasi o’rtasidagi Zomin tuman Gulshan QFY Gulshan qishlofi Begioyim va Mironshox (1,9 km) ko’chalarni ta’mirlash bo’yicha 1 022 000 000 so’mlik shartnoma loyihasini xuquqiy ekspertizadan o’tkazish yakuni bo’yicha

X U L O S A BH83263275

Zomin tuman yuridik xizmat ko’rsatish markazi boshyuriskonsulti J.Esanov tomonidan “LOCHIN STROY MONTAJ” ma’suliyati cheklangan jamiyati va Zomin tuman xokimligi qoshidagi obodonlashtirish boshqarmasi o’rtasidagi Zomin tuman Gulshan QFY Gulshan qishlofi Begioyim va Mironshox (1,9 km) ko’chalarni ta’mirlash bo’yicha 1 022 000 000 (bir milliard yigirma ikki million) so’mlik shartnoma loyihasi xuquqiy ekspertizadan o’tkazildi.

Mazkur shartnoma loyihasi qayta tahrirlanib, O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 666-685-moddalari va “Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to’g’risida”gi qonun talablariga muvofiqlashtirildi.

Shartnoma loyihasida shartnoma predmeti, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, assortimenti va bahosi, shartnomaning bajarilish muddatlari, hisob-kitob qilish tartibi, taraflarning majburiyatlari, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartibi hamda taraflarning rekvizitlari, shartnoma tuzilgan sana va joyi, tovarlar haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo’lmagan miqdorda oldindan to’lab qo’yish shartlari nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarga ko’ra taraflar mazkur shartnoma loyihasini imzolashlari mumkinligi xaqida ijobiy xulosa berildi.

**Zomin tuman yuridik xizmat
ko’rsatish markazi boshyuriskonsulti:**



J.Esanov.

Объектларни фойдаланишга
жорий таъмирлаш учун пудрат
ШАРТНОМАСИ № 6/А

Зомин тумани

2022 йил "30" май

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси (open budget) номидан Низом асосида иш курувчи директори А.Юсупов бир томондан, ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган LOCHIN STROY MONTAJ MЧЖ номидан Низом асосида иш курувчи директори Ш.Хикматов иккинчи томондан объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР.

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади, ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига қура Жиззах вилояти Зомин тумани Гулшан ҚФЙ Гулшан қишлоғи Бегойим ва Мироншоҳ кўчаларини (1,9км) таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **1.022.000.000 (бир миллиард йигирма икки миллион)** сўмни ташкил этади

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

2017 йил 18 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №68-сонли баённомасига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари параллел равишда ишлаб чиқилади ва

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари (протокол) натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади, Газначилик булимидан рўйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади, бу **153.300.000 (бир юз эллик уч миллион уч юз миңг)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 -илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ буюртмачига тақдим қилинадиган Форма-2 ва Форма-3 асосида бажарилган таъмирлаш объектнинг умумий шартномавий жорий қолдиқ қиймати доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин амалга оширилади;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўдайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг ___фоизи миқдориди жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг ___фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисmlарига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

LOCHIN STROY MONTAJ MЧЖ

**Зомин туман ободонлаштириш
бошқармаси**

(етказиб берувчи номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес: Жиззах ш. Раваллик МФЙ,
“Мевазор” кучаси, 44-уй

Адрес: Зомин т. «Бирлик» МФЙ
Ғ.Абдуллаев кучаси

Тел./факс- 972955510

Х/р: 20208000800877426001

Банк номи: ТИФ «Миллий» банк Жиззах
ш.ф-ли

МФО: 00121, ИНН: 305526962

ИФУТ: 61110

Тел./факс 8-372-392-14-49

ШХР: 401722860082187045205110001

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.
ХККМ

МФО: 00014, ИНН: 201462789

ИФУТ: 90211

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 23402000300100001010,

ИНН: 201122919



Директор:
М.У.

Ш.Ҳикматов

(имзо)



Директор:
М.У.

А.Юсупов

(имзо)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 88517 на приобретение ID 0470400162
Гулшан КФЙ Гулшан кишлоги Бегойим ва Мироншоҳ кучаларини асфальт килиш 2022 март

Способ проведения электронный

Дата 27.05.2022

Время рассмотрения 27.05.2022 16:54

Конкурсная комиссия Зомин туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YUSUPOV ABDUXALIL IBRAGIMOVICH	Рахбар	Зомин ОБ
Секретарь комиссии	Шомирзаев Р.К	hodim	zomin obod
Член комиссии	SUBANOV ORTIQBOY XO'JAKELDIYEVICH	ishchi	Zomin OB
Член комиссии	ESHONKULOV MAXMUD ALIQULOVICH	hisobchi	Zomin OB
Член комиссии	DANIYAROV ABDUKADIR ABDURASHIDOVICH	ishchi	Zomin OB
Член комиссии	YULDASHEV SHODIYOR BERDIYAROVICH	Urinbosar	Zomin OB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.05.2022 года № лота 88517.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	ID 0470400162 Гулшан КФЙ Гулшан кишлоги Бегойим ва Мироншоҳ кучаларини асфальт килиш 2022 март
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1042 373 433.00
Стартовая сумма	1042 373 433.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилот низоми .руйхатдан утказилгани тугриисида маълумот нусхаси . ташкилот тақрибий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	Устав ва Гувоҳномаи Электрон жойлаштирилди	16	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION	20	Ташкилот низоми .руйхатдан	17	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСНҲ		утказилгани тугриисида маълумот нусхаси . ташкилот такрибий структураси				
STROY IZOBILIE МЧЖ	20	ТАШКИЛИЙ ХУЖЖАТЛАР БАРЧАСИ БИРИКТИРИЛДИ.	17	Экспертная		
LOCHIN STROY MONTAJ МСНҲ	20	справка берилди.	17	Экспертная		

Критерий №2 Техникалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	Корхонада 3 дона соз холатда Асфальт бетон заводлари бирдона Битум ортш тушириш Цехи бир дона кум шеъбен ишлаб чикариш ускунаси уз акредитациядан утган синов лабораторияси мавжуд	16	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION МСНҲ	20	Техникалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар	17	Экспертная		
STROY IZOBILIE МЧЖ	20	КОРХОНАМИЗДА ТЕХНИКА ЕТАРЛИ ВА ШУ БН БИРГАЛИКДА ИЖАРА ШАРТНОМА ХАМ ИЛОВА КИЛИНДИ.	19	Экспертная		
LOCHIN STROY MONTAJ МСНҲ	20	маълумотлар киритилди.	20	Экспертная		

Критерий №3 Банк ва солиқдан қарзи йуқлиги тугриисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги тугриисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	Банк ва солиқдан қарздорлик мавжуд эмас	16	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	20	Банк ва солиқдан қарзи йуклиги тугрисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги тугрисида маълумот	16	Экспертная		
STROY IZOBILIE MCHJ	20	БАНК ВА СОЛИҚДАН ҚАРЗИ ЙУКЛИГИ ТУГРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ ВА ККС ТУЛОВЧИ ТУГРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ КИРИТИЛДИ.	18	Экспертная		
LOCHIN STROY MONTAJ MCHJ	20	справка берилди.	19	Экспертная		

Критерий №4 Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	Корхонада Инженер техник ходим йул усталари ишчи механизаторлар 189 тани ташкил қилади	17	Экспертная		
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	20	Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот	16	Экспертная		
STROY IZOBILIE MCHJ	20	ИНЖЕНЕР ТЕХНИК ХОДИМЛАР ВА ДОИМИЙ ИШЧИЛАР ТУГРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ БИРИКТИРИЛДИ.	18	Экспертная		
LOCHIN STROY MONTAJ MCHJ	20	справка берилди.	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	1 042 373 433.00	1 040 373 433.00	25.05.2022 17:44:49	9.66
LOCHIN STROY MONTAJ MCHJ	1 042 373 433.00	1 022 000 000.00	27.05.2022 11:08:33	9.83

EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	1 042 373 433.00	1 004 813 011.00	26.05.2022 00:32:05	10.00
STROY IZOBILIE MЧЖ	1 042 373 433.00	1 023 000 000.00	27.05.2022 09:52:44	9.82

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	73.125	9.6582	82.7832
LOCHIN STROY MONTAJ MCHJ	85.5	9.83183	95.33183
EXCELLENT CONSTRUCTION MCHJ	74.25	10	84.25
STROY IZOBILIE MЧЖ	81	9.82222	90.82222

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 88517 от 27.05.2022 года на приобретение ID 0470400162 Гулшан КФЙ Гулшан кишлоги Бегойим ва Мироншоҳ кучаларини асфальт килиш 2022 март определила победителем:

LOCHIN STROY MONTAJ MCHJ
305526962

и резервный исполнитель: STROY IZOBILIE MЧЖ (203894036)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YUSUPOV ABDUXALIL IBRAGIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	DANIYAROV ABDUKADIR ABDURASHIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	SUBANOV ORTIQBOY XO'JAKELDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ESHONKULOV MAXMUD ALIQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV SHODIYOR BERDIYAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП